

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ**  
**ТЎПЛАМИ**

**51-сон**  
**(343)**  
**2008 й.**  
**декабрь**

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:*

*тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

+

-

**МУНДАРИЖА**

*Биринчи бўлим*

500. «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 17 декабрдаги ўРҚ-191-сон Қонуни

*Учинчи бўлим*

501. «Вазирлар Маҳкамасининг «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки фаолиятини ташкил этиш ва унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 6 майдаги 78-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банкининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2008 йил 10 ноябрдаги ПФ-4051-сон Фармони)» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 17 декабрдаги 273-сон қарори

502. «Хорижий автотранспорт воситалари кириши, чиқиши ва транзит ўтишини назорат қилишни янада такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 17 декабрдаги 274-сон қарори [Кўчирма]

*Бешинчи бўлим*

504. «Ижтимоий таъминот идоралари томонидан юридик шахслар ҳамда алоҳида фуқароларга нисбатан қайта талаб қилиш (регресс) талабномалари асосида иш олиб бориш тартиби ҳақидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2008 йил 25 ноябрдаги 73-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 13 декабрда 330-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

505. «Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ходимлари асосий лавозимларининг малака тавсифлари бўйича йўриқнома иловасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг 2008 йил 5 ноябрдаги 62, 46 Қ/Қ, 01-383 Қ/Қ-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 13 декабрда 1845-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

— 506. «2009 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакллари тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2008 йил 10 ноябрдаги 4-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 13 декабрда 1880-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*) +

507. «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясининг авиакорхоналаридаги ўқув юртларини сертификатлаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2008 йил 10 ноябрдаги 228-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 13 декабрда 1881-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2008 йил 13 декабрдан 19 декабргача бўлган маълумот

**БИРИНЧИ БЎЛИМ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

**500 «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида\***

Қонунчилик палатаси томонидан  
2008 йил 26 августда қабул қилинган

Сенат томонидан 2008 йил 4 декабрда  
маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 3 январда қабул қилинган «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги ЎРҚ–76-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 1, 2-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) **11-модда** қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Мамлакатда демократик ўзгаришларни янада ривожлантиришга ва бунда нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаол иштирок этишига кўмаклашиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурида Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, шунингдек Фонд маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси тузилади»;

2) **12-модданинг иккинчи қисмидаги, 13-модданинг иккинчи қисмидаги** ва **14-модданинг иккинчи қисмидаги** «Вазирлар Маҳкамаси» деган сўзлар «Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**2-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2008 йил 17 декабрь,  
ЎРҚ–191-сон

\* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2008 йил 18 декабрда эълон қилинган.

**УЧИНЧИ БЎЛИМ****ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**501** Вазирлар Маҳкамасининг «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки фаолиятини ташкил этиш ва унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 6 майдаги 78-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банкининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2008 йил 10 ноябрдаги ПФ-4051-сон Фармони)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банкининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2008 йил 10 ноябрдаги ПФ-4051-сон Фармониغا мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки фаолиятини ташкил этиш ва унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 6 майдаги 78-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 5-сон, 28-модда) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки Банк уставига ушбу қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчаларни белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф.М. Муллажонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2008 йил 17 декабрь,  
273-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2008 йил 17 декабрдаги 273-сон қарорига  
ИЛОВА

**Вазирлар Маҳкамасининг «Микрокредитбанк»  
акциядорлик-тижорат банки фаолиятини ташкил этиш ва  
унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-  
тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 6 майдаги 78-сон  
қарорига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 1-бандда:

иккинчи хатбошидаги «Бошқарув кенгаши» сўзлари «Кузатувчи кенгаш» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «Вақтинчалик» сўзи чиқариб ташлансин.

2. 2-банднинг биринчи хатбошидаги «Бошқарув кенгаши» сўзлари «Кузатувчи кенгаш» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. 4-банднинг биринчи хатбошидаги «Бошқарув кенгаши» сўзлари «Кузатувчи кенгаш» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. 1-иловада:

илова номидаги «Бошқарув кенгаши» сўзлари «Кузатувчи кенгаш» сўзлари билан алмаштирилсин;

иловага изоҳдаги «Бошқарув кенгаши» сўзлари «Кузатувчи кенгаш» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. 2-иловада:

илова номидаги «Вақтинчалик» сўзи чиқариб ташлансин;

3-банднинг биринчи хатбошидаги «5 фоиз» сўзлари «3 фоиз» сўзлари билан алмаштирилсин;

4-банддаги «ставкасидан» сўзи «ставкасининг 50 фоизидан» сўзлари билан алмаштирилсин;

5-банддаги «Марказий банк қайта молиялаштириш ставкасининг 50 фоизидан юқори бўлмаган» сўзлари «йилига 5 фоиз даромад» сўзлари билан алмаштирилсин;

7-банддаги «Вақтинчалик» сўзи чиқариб ташлансин.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI BAZIRLAR MAҲKAMACIНИНГ  
ҚАРОРИ**502 Хорижий автотранспорт воситалари кириши, чиқиши ва транзит ўтишини назорат қилишни янада такомиллаштириш тўғрисида****[Кўчирма]**

Хорижий автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириши, чиқиши ва транзит бўйича бўлишини назорат қилишни янада такомиллаштириш, наркотрафика ва контрабандага қарши курашни кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. 2009 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг Тожикистон Республикаси билан Давлат чегарасини кесиб ўтадиган хорижий юк автотранспорт воситалари ва автобусларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириши ва транзит ўтиши учун 1-иловага мувофиқ кўшимча йиғим ставкалари белгилансин.

2. Белгилансинки, кирганлиги ва транзит ўтиши учун ҳар бир хорижий автотранспорт воситасидан олинадиган кўшимча йиғимни тўлаш Ўзбекистон Республикасининг Тожикистон Республикаси билан Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларида бевосита божхона постларида эркин алмаштириладиган валютада амалга оширилади, олинган маблағлар Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари бўлимлари орқали Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасининг валюта ҳисоб рақамига ўтказилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси ва Ички ишлар вазирлиги:

хорижий автотранспорт воситаларининг «Ойбек» (Тошкент вилояти) ва «Андархон» (Фарғона вилояти) ўтказиш пунктлари орқали кириши ва чиқиши, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйлаб транзит ўтиши устидан назоратни кучайтирсинлар;

«Ойбек» ва «Андархон» ўтказиш пунктларида чегара ва божхона постларининг штатдаги ходимлари сонини тегишли равишда Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси ходимларининг умумий белгиланган сони доирасида кўпайтирсинлар;

«Андархон» божхона постини зарур технология асбоб-ускуналари ва техник назорат воситалари билан жиҳозлашни таъминласинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази билан биргаликда жалб этиладиган грант маблағлари ҳисобига «Ойбек» ва «Андархон» божхона постлари учун сканирлаш қурилмалари сотиб олиш масаласини ишлаб чиқсин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Тожикистон Республикаси юк транспорт воситалари ва автобусларининг Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудуди орқали ўтганлиги учун йиғимларни бирхиллаштириш тўғрисида» 2002 йил 8 январдаги 11-сон

қарори 1-бандининг учинчи хатбоши (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 1-сон, 3-модда) қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Тожикистон Республикасининг юк автотранспорт воситаси ва автобуслари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 3 суткадан ортиқ бўлганда ҳар бир кун учун — 70 АҚШ доллари».

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н.М. Ханов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2008 йил 17 декабрь,  
274-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2008 йил 17 декабрдаги 274-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасининг Тожикистон Республикаси  
билан Давлат чегарасини кесиб ўтадиган хорижий юк  
автотранспорт воситалари ва автобуслар Ўзбекистон  
Республикаси ҳудудига кириши ва транзит ўтиши  
учун қўшимча йиғим  
СТАВКАЛАРИ**

1. Тожикистон Республикасининг автотранспорт воситалари ва автобуслари учун — 50 АҚШ доллари.
2. Туркменистоннинг юк автотранспорт воситалари учун:
  - а) қуйидагилар учун:  
10 тоннагача юк кўтарадиган юк автотранспорт воситалари учун — 20 АҚШ доллари;  
10 тонна ва 10 тоннадан ортиқ юк кўтарадиган юк автотранспорт воситалари учун — 30 АҚШ доллари.
  - б) ўриндиқлар сони:  
12 та ўриндиқдан кам бўлган автобуслар учун — 20 АҚШ доллари;  
12 та ўриндиқдан ортиқ бўлган автобуслар учун — 30 АҚШ доллари.
3. Бошқа хорижий давлатларнинг юк автотранспорт воситалари ва автобуслари учун — 100 АҚШ доллари\*.

---

\* Қўшимча йиғим Ўзбекистон Республикаси автомобиль йўлларида фойдаланганлик учун ушбу давлатларнинг автотранспорт воситаларига нисбатан йиғимлар ва тўловлар қўлланилмаслигини назарда тутадиган халқаро шартномалар тузган хорижий давлатларнинг автотранспорт воситаларига нисбатан қўлланилмайди.

**БЕШИНЧИ БЎЛИМ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕХНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ  
МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРИНИНГ  
БҮЙРУҒИ

**504** Ижтимоий таъминот идоралари томонидан юридик шахслар ҳамда алоҳида фуқароларга нисбатан қайта талаб қилиш (регресс) талабномалари асосида иш олиб бориш тартиби ҳақидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил  
13 декабрда 330-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2008 йил 23 декабрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ходисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 37-38-сон, 361-модда) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 6 апрелдаги ПҚ–616-сонли «Аҳоли бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 15-сон, 156-модда) мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирининг 1997 йил 6 февралдаги 23-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Ижтимоий таъминот идоралари томонидан юридик шахслар ҳамда алоҳида фуқароларга нисбатан қайта талаб қилиш (регресс) талабномалари асосида иш олиб бориш тартиби ҳақидаги йўриқнома»га (1997 йил 17 апрель, рўйхат рақами 330) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

**Меҳнат ва аҳолини ижтимоий  
муҳофаза қилиш вазири в.б.**

**А. ХАЙТОВ**

Тошкент ш.,  
2008 йил 25 ноябрь,  
73-сон



Меҳнат ва аҳолини ижтимоий  
муҳофаза қилиш вазирининг  
2008 йил 25 ноябрдаги 73-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Ижтимоий таъминот идоралари томонидан юридик шахслар  
ҳамда алоҳида фуқароларга нисбатан қайта талаб қилиш  
(регресс) талабномалари асосида иш олиб бориш тартиби  
ҳақидаги йўриқномага киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Номида, 4, 5, 9, 10, 12, 15, 16 ва 21-бандлардаги «идораларига», «идоралари», «идорасининг», «идорасига», «идораси», «идораларининг» сўзлари тегишлича «бўлимларига», «бўлимлари», «бўлимининг», «бўлимига», «бўлими», «бўлимларининг» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. 14-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«14. Агар айбини бўйнига олиб ёзилган жавобда кўрсатилган сумма тўланганлиги ҳақидаги хабар бўлмаса, ижтимоий таъминот бўлими жавоб олгандан сўнг 20 кун ўтгандан кейин банк муассасасига жавобгар тан олган суммани тегишли Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига (бундан кейинги ўринларда Пенсия жамғармаси деб юритилади) ўтказиш ҳақидаги фармойишни тақдим этади. Фармойишга жавобгарнинг жавоб хати илова қилинади».

3. 17-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«17. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 52 (I)-сон) 329 ва 330-моддаларига мувофиқ, туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимлари умумий юрисдикция ва хўжалик судларида зарар етказувчидан регресс даъволар бўйича жабрланувчига ёки унинг оила аъзоларига тўланган пенсиялар ва нафақалар суммасини ундириб олишда давлат божи тўлашдан озод этиладилар».

4. 26-банддаги «жамғармаси туман (шаҳар) бўлимининг тегишли банк муассасасидаги ҳисоб-китоб рақамига» сўзлари «Пенсия жамғармасига» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. 28-банднинг учинчи хатбошисидаги «Жамғарманинг туман (шаҳар) бўлимлар ҳисоб-китобига» сўзлари «Пенсия жамғармасига» сўзлари билан алмаштирилсин.

6. 29-бандда:

биринчи ва иккинчи хатбошилар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ижтимоий таъминот бўлимларининг регресс талабномалари (даъволар) асосида ишларини олиб бориш бўйича фаолиятлари Пенсия жамғармаси томонидан молиялаштирилади.

Меҳнатда майиб бўлганлиги ёки касб касаллигидан ногиронлик бўйича ундирилдиган регрессив талабномалари (даъволар) асосида ундирилган маблағ қийматининг 15 фоизи Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари ходимларининг меҳнатини рағбатлантириш ҳамда моддий-техника базасини мустаҳкамлаш жамғармасига ўтказилади»;

учинчи хатбошидаги «идоралари» сўзи «бўлимлари» сўзи билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошидаги «худудий ижтимоий таъминот бошқармалари (Қорақалпоғистон Республикаси ижтимоий таъминот вазирлиги)» сўзлари «Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, вило-

ятлар ва Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармалари» сўзлари билан алмаштирилсин.

7. 31 ва 32-бандлар қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«31. Туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимлари йилнинг ҳар чорагида Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаларига йилнинг биринчи чорагида, ярим йилликда, 9 ойда ҳамда йил давомида регресс талабнома (даъво)лари асосида олиб борган ишлари бўйича тушган маблағ қиймати ҳақидаги ҳисоботларини топширадилар.

32. Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармалари йилнинг ҳар чорагида регресс талабнома (даъво)лари бўйича амалга оширилган ишлар ҳақида йилнинг биринчи чорагида, ярим йилликда, 9 ойда ҳамда йил давомида умумлаштирилган ҳисоботларини Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига топширадилар».

8. 3, 4 ва 6-иловалардаги «идорасининг», «идораларининг» сўзлари тегишлича «бўлимининг», «бўлимларининг» сўзлари билан алмаштирилсин.

— +

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ  
ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИНИНГ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ДАВЛАТ ТЕСТ МАРКАЗИНИНГ  
ҚАРОРИ

**505** **Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ходимлари асосий лавозимларининг малака тавсифлари бўйича йўриқнома иловасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил  
13 декабрда 1845-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2008 йил 23 декабрдан кучга киради)*

Таълим муассасаларида тўпланган тажрибаларни инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази **қарор қиладилар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й.*

2008 йил 25 августдаги 39, 36/ҚҚ ва 01-275-сон қарори билан тасдиқланган «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ходимлари асосий лавозимларининг малака тавсифлари бўйича йўриқнома» (2008 йил 29 август, рўйхат рақами 1845 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 35-36-сон, 350-модда) иловасига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

**Меҳнат ва аҳолини ижтимоий  
муҳофаза қилиш вазири в.б.**

**А. ХАЙТОВ**

Тошкент ш.,  
2008 йил 5 ноябрь,  
62-сон

**Ўрта махсус, касб-ҳунар  
таълими маркази директори**

**З. САТТОРОВ**

Тошкент ш.,  
2008 йил 5 ноябрь,  
46Қ/Қ-сон

**Давлат тест маркази директори**

**Б. ИСМОИЛОВ**

Тошкент ш.,  
2008 йил 5 ноябрь,  
01-383Қ/Қ-сон

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълими вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ва Давлат тест марказининг 2008 йил 5 ноябрдаги 62, 46Қ/Қ, 01-383Қ/Қ-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ходимлари  
асосий лавозимларининг малака тавсифлари бўйича йўриқнома  
иловасига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 1-параграф «Малака талаблари» қисмининг «а» ва «б» бандлари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«а) академик лицей, касб-ҳунар коллежининг таълим йўналишларидан камида биттаси бўйича ёки билим соҳаси бўйича, шунингдек таълим муассасаси жойлашган ҳудуднинг кадрлар потенциалини ҳисобга олган ҳолда, истисно тариқасида умумтаълим фанлари бўйича олий маълумот (маданият, спорт ҳамда тиббиёт соҳаси бундан мустасно);

б) таълим тизимидаги (педагогик, ўқув-тарбиявий, ўқув-услугий фаолияти) иш стажи 3 йилдан кам эмас, шу жумладан таълим тизимида камида 1 йил бошқарув лавозимларида иш стажи».

2. 2-параграф «Малакавий талаблари» қисмининг «а» ва «б» бандлари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«а) академик лицей, касб-хунар коллежининг таълим йўналишларидан камида биттаси бўйича ёки умумтаълим фанлари бўйича олий маълумот (маданият, спорт ҳамда тиббиёт соҳаси бундан мустасно);

б) таълим тизимидаги (педагогик, ўқув-тарбиявий, ўқув-услубий, бошқарув фаолияти) иш стажи 5 йилдан кам эмас».

3. 3-параграфда:

номланишидан «биринчи» деган сўз чиқариб ташлансин;

«Малака талаблари» қисмида:

«а» ва «б» бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«а) ижтимоий фанлар бўйича ёки педагогик олий маълумот;

б) таълим тизимидаги (педагогик, ўқув-тарбиявий, ўқув-услубий, бошқарув фаолияти) иш стажи 3 йилдан кам эмас»;

«в» банд чиқариб ташлансин.

4. 4-параграф «Малака талаблари» қисмида:

«а» ва «б» бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«а) касб-хунар коллежининг билим соҳасига оид махсус фанлардан бири бўйича олий маълумот;

б) педагогик иш стажи 3 йилдан кам эмас»;

«в» банд чиқариб ташлансин.

5. 14-параграфда:

«Ўқув ишлари» қисмининг «а» банди «ва унинг ўтказилишини таъминлайди» деган сўзлардан кейин «(тиббиёт соҳаси бундан мустасно)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

«Ўқув-услубий» қисмида:

«а» банддан «диплом лойиҳалари» ва «услубий кўрсатмалар» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

«б» банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«б) ўқувчиларнинг назарий ва амалий машғулоти бўйича билимларини назорат қилиш учун топшириқлар тузади»;

«в» банддан «илмий педагогик кенгаш, услубий кенгаш, семинарлар, илмий анжуманлар» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

«Ташкилий-услубий ишлар» қисмида:

«в» ва «е» бандлар чиқариб ташлансин;

«г» бандидаги «фан тўғараклари» деган сўзлар «амалий тўғараклар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«г» ва «д» бандлар тегишлича «в» ва «г» бандлар деб ҳисоблансин;

«ж» банд «е» банд деб ҳисоблансин;

«Маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар» қисми чиқариб ташлансин;

«Билиши лозим» қисмидаги «г», «е», «ж» ва «з» бандлар чиқариб ташлансин;

«д» банд «г» банд деб ҳисоблансин;

«и» банд «д» банд деб ҳисоблансин.

6. 17-параграф «Малака талаблари» қисмининг «б» банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«б) касб (мутахассислик) бўйича 3 йилдан кам бўлмаган амалий иш стажи ва ўрта махсус касбий маълумот».

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**506 2009 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакллари  
рени тасдиқлаш тўғрисида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил  
13 декабрда 1880-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2008 йил 23 декабрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси «Давлат статистикаси тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 й., 12-сон, 219-модда) 6-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 8 январдаги 8-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тўғрисида»ги низомга (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й., 1-2-сон, 7-модда) мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси **қарор қилади:**

1. 2009 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакллари 1 — 169-иловаларга\* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор билан тасдиқланаётган давлат статистика ҳисоботларининг йиллик шакллари — 2008 йил учун ҳисоботдан бошлаб, жорий ҳисобот шакллари — 2009 йилнинг 1 январидан бошлаб кучга киритилсин.

3. 2009 йил 1 январдан бошлаб қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2007 йил 9 ноябрдаги 18-сонли «2008 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакллари тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (2007 йил 15 декабрь, рўйхат рақами 1748 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 50-51-сон, 529-модда);

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2008 йил 21 июлдаги 3-сонли «2008 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакллари тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (2008 йил 16 август, рўйхат рақами 1748-1 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 34-сон, 339-модда).

4. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан кейин ўн кун ўтгач кучга киради.

**Давлат статистика  
қўмитаси раиси**

**Ғ. ҚУДРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2008 йил 10 ноябрь,  
4-сон

---

\* Иловалар берилмайди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПАРВОЗЛАР ХАВФСИЗЛИГИНИ  
НАЗОРАТ ҚИЛИШ ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ БОШЛИГИНИНГ  
БУЙРУҒИ

## **507** Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясининг авиакорхоналаридаги ўқув юртларини сертификат- лаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил  
13 декабрда 1881-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2008 йил 23 декабрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясининг фаолиятини тартибга солув-  
чи меъерий ҳужжатларни халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти (ИКАО)нинг стан-  
дартлари ва тавсияларини инобатга олган ҳолда такомиллаштириш мақсадида, **бую-**  
**раман:**

1. Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясининг авиакорхоналаридаги ўқув  
юртларини сертификатлаш қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйха-  
тидан ўтказилгандан кейин ўн кун ўтгач кучга киради.

3. Мазкур буйруқ кучга кирган кундан Ўзбекистон Республикаси Парвозлар  
хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиги томонидан 1999 йил  
2 мартда тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясининг ўқув юрт  
(марказ)ларини сертификатлаш тартиби бўйича қоидалар (1999 йил 22 июль, рўйхат  
рақами 778 — Меъерий ҳужжатлар ахборотномаси, 1999 й., 7-сон) ўз кучини йўқот-  
ган деб ҳисоблансин.

**Парвозлар хавфсизлигини  
назорат қилиш давлат  
инспекцияси бошлиги**

**Т. ЎЛЖАЕВ**

Тошкент ш.,  
2008 йил 10 ноябрь,  
228-сон

Парвозлар хавфсизлигини назорат  
қилиш давлат инспекцияси бошлигининг  
2008 йил 10 ноябрдаги 228-сон  
буйруғи билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

## Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясининг авиакорхоналаридаги ўқув юртларини сертификатлаш ҚОИДАЛАРИ

Ушбу Қоидалар ИКАОнинг 1944 йил 7 декабрдаги Чикаго конвенциясига (1-илова «Авиация ходимларига сертификатлар бериш») мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси авиакорхоналарининг ўқув юртларини (бундан кейинги ўринларда ўқув юртлари деб юритилади) сертификатлаш тартибини белгилайди.

### I. Асосий қоидалар

#### § 1. Асосий тушунчалар ва қисқартмалар

1. Мазкур Қоидаларда қуйидаги асосий тушунчалар ва қисқартмалардан фойдаланилади:

**Авиация ходимлари** — фаолиятлари ҳаво транспорт қатновини ташкил қилиш, бажариш ва таъминлаш, шунингдек ҳаво транспорти қатновига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган шахслар;

**Асословчи ҳужжатлар** — мазкур Қоидаларнинг талабларига мувофиқ ўқув юрти ташкил қилинишида аризачи томонидан фойдаланиладиган ва аризага илова қилинадиган ҳужжатлар;

**Касбий тайёргарлик** — авиация ходимлари томонидан аниқ кўрсатилган ишларни, ишлар гуруҳини бажариш учун зарур бўлган кўникмаларни олиш;

**Касбий қайта тайёргарлик (қайта ўқиш)** — учувчи, муҳандис-техник ва бошқа авиация ходимларини касбий тайёрлаш жараёнининг янги ҳаво кемаси ва авиациянинг бошқа техникасини ўзлаштириш мақсадида амалга оширилувчи бир босқичи;

**Малака ошириш** — авиация ходимларини касбий тайёрлаш жараёнининг касбий ва услубий моҳирликни такомиллаштиришга қаратилган билим ва кўникмаларни янгилаш ва чуқурлаштириш мақсадида амалга оширилувчи бир босқичи;

**Сертификатнинг амал қилишини тўхтатиб қўйиш** — «Дававианазорат» инспекцияси томонидан сертификатнинг амал қилишини вақтинчалик тўхтатиб қўйиш бўйича расмий жараён бўлиб, бунда сертификатнинг амал қилишини тўхтатиб қўйишга олиб келган камчиликлар бартараф этилгандан сўнг уни тиклаш ҳуқуқи берилади;

**Сифат назоратини олиб бориш тизими** — ҳужжат билан расмийлаштирилган ташкилий жараёнлар ва тартиблар, бу жараёнлар ва тартибларни ички текширувдан ўтказиш, бошқарув тизимини кузатиш ҳамда сифатни ошириш бўйича тавсиялар бериш;

**Сертификатланган ўқув юрти** — мазкур Қоидаларга мувофиқ «Дававианазорат» инспекцияси томонидан сертификатланган, Ўзбекистон Республикаси авиация ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш учун мўлжалланган, «Дававианазорат» инспекцияси назорати остида фаолият кўрсатувчи ўқув юрти;

**Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясининг авиакорхоналаридаги ўқув юртининг сертификати** (бундан кейинги ўринларда сертификат деб юритилади) — аризачини махсус қоидаларнинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланган шартлар ва чегараланишларга мувофиқ мазкур Қоидаларда белгиланган талабларга мос келишини тасдиқловчи ҳужжат;

**Тренажёрда машқ қилиш** — белгиланган талабларга мувофиқ, турли хил машқ қилдирувчи мосламалар (авиация тренажёрлари) ёрдамида амалий малака ва кўникмаларни ҳосил қилиш, малака даражасини ушлаб туриш ҳамда мукаммаллаштириш мақсадида олиб борилувчи авиация ходимларини касбий тайёрлаш жараёнининг бир босқичи;

**Учишга тайёргарлик** — тингловчи томонидан парвозларни бажариш учун ҳақиқий шароитларда амалий маҳорат ва кўникмаларни ҳосил қилиш мақсадида олиб борилувчи, учувчилар таркибини тайёрлаш жараёнининг бир босқичи;

**БРТ** — бошқарувчи раҳбарлар таркиби;

**«Дававианазорат» инспекцияси** — Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси;

**ИКАО** — Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти;

**СКТ** — самолётнинг комплекс тренажёри;

**СЎЮ** — сертификатланган ўқув юрти;

**УТ** — учувчилар таркиби;

**ФА** — фуқаро авиацияси;

**ШЭҲМ** — шахсий электрон-ҳисоблаш машинаси;

**ЎМА** — ўқув-методика адабиётлари;

**ЎТВ** — ўқитиш техника воситалари;

**ЎУТД** — ўқув-учиш тайёргарлик дастури;

**ЎУТК** — ўқув-учиш тайёргарлик курси;

**ҲК** — ҳаво кемаси.

## § 2. Умумий қоидалар

2. Мазкур Қоидалар «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси гувоҳнома-ларини бериш ва авиация ходимларининг турлари» Ўзбекистон Республикасининг авиация қоидаларида (ЎЗР АҚ-61) (2004 йил 7 май, рўйхат рақами 1349 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 18-сон, 212-модда) кўрсатилган авиация ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш (бундан кейинги ўринларда тайёрлаш деб юритилади) бўйича фаолият юритадиган барча ўқув юртларига татбиқ этилади.

3. Авиация ходимларини касбий тайёрлаш бўйича фаолият фақат «Дававианазорат» инспекцияси томонидан сертификатланган ўқув юртларида амалга оширилади.

4. Сертификат амал қилиш даврида СЎЮ фаолияти белгиланган талабларга мувофиқ бўлиши зарур.

Ўқув юртларини сертификатлаштириш мазкур Қоидаларга мувофиқ бепул амалга оширилади.

## II. Сертификатлаш бўйича умумий талаблар

### § 1. Умумий қоидалар

5. Ўқув юртини сертификатлаш тартиби қуйидаги босқичлардан иборат:

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й.*



- а) аризани қабул қилиш ва рўйхатга олиш;
- б) аризани олдиндан кўриб чиқиб, ариза берувчига уни қабул қилинганлиги ёки рад этилганлиги тўғрисида ёзма равишда билдириш;
- в) ариза берувчига аризани ва асословчи ҳужжатларни экспертизадан ўтказиш, аниқланган камчиликлар тўғрисида ёзма равишда билдириш;
- г) ариза берувчидан асословчи ҳужжатларни экспертизадан ўтказиш вақтида аниқланган камчиликларнинг бартараф этилганлиги тўғрисида ҳужжатларни қабул қилиб олиш ва камчиликларни бартараф этилганлигини текшириш;
- д) ўқув юртини сертификатлаш талабларига мувофиқлигини текшириш ва унинг натижалари бўйича аниқланган камчиликларни кўрсатган ҳолда далолатнома тузиш;
- е) сертификатлаш бўйича текшириш ўтказиш вақтида аниқланган камчиликларнинг бартараф этилганлиги тўғрисида ҳужжатларни ўқув юртидан қабул қилиб олиш;
- ж) ўқув юртини такроран текширишдан ўтказиш (зарур бўлган ҳолларда);
- з) текширишларнинг натижалари бўйича ўқув юртига сертификат бериш ёки сертификат беришни рад этиш тўғрисида қарор лойиҳаси ва хулосани тайёрлаш.

## § 2. Сертификатлаш учун ариза бериш

6. Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясининг авиакорхоналаридаги ўқув юрти сертификатини олиш учун ариза (бундан кейинги ўринларда ариза деб юритилади) ўқув юрти томонидан мазкур Қоидаларнинг 1-илоvasида кўрсатилган шаклда тақдим этилади.

7. Биринчи марта сертификатни олиш учун ариза режалаштирилган фаолиятнинг бошланиш муддатидан икки ой олдин «Дававианазорат» инспекциясига топширилади.

8. «Дававианазорат» инспекциясига ариза ва унга илова қилинадиган ҳужжатларнинг асл нусхаси ёки уларнинг нусхалари тақдим этилади. Нотўғри тўлдирилган ёки расмийлаштирилган ариза кўриб чиқишга қабул қилинмайди.

9. Биринчи марта ўқув юртининг сертификатини олиш учун, зарур бўлган ҳолларда, сертификатга ўзгартиш киритиш ёки унинг муддатини узайтириш учун аризага мазкур Қоидаларнинг 2-илоvasида келтирилган маълумотларни тақдим қилиш бўйича намунавий шакллар ва асословчи ҳужжатлар рўйхати илова қилинади.

10. Ўқув юртлари ушбу Қоидаларнинг 3-илоvasида белгиланган ўқув юртига қўйиладиган сертификатлаш талабларига мувофиқ бўлишлари керак.

11. Ариза ва унга илова қилинадиган ҳужжатларнинг тақдим этилиши уларни «Дававианазорат» инспекцияси томонидан кўриб чиқилишига асос ҳисобланади.

12. Сертификат муддатини узайтириш ёки сертификатга ўзгартишлар киритиш учун ариза «Дававианазорат» инспекциясига амалдаги сертификат муддатининг тугашидан ёки режалаштирилган фаолиятнинг бошланишидан бир ой олдин топширилади.

13. Аризада ва асословчи ҳужжатларда баён этилган маълумотларнинг тўғрлиги учун аризачи жавобгар бўлади.

## § 3. Аризани дастлабки баҳолаш ва асословчи ҳужжатларни экспертиза қилиш

14. Ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар «Дававианазорат» инспекциясига келиб тушган кундан бошлаб ўн кунлик муддат ичида уларни дастлабки баҳолаш

амалга оширилади. Агар ушбу муддат ичида ариза қабул қилинадиган ёки рад этиладиган бўлса, бу ҳақда ариза берувчига ёзма хабарнома юборилади.

15. Аризани ва унга илова қилинган ҳужжатларни дастлабки баҳолашда қуйидагилар текширилади:

а) ўқув юрти ва унинг тузилмаларини белгиланган талабларга мувофиқлиги тўғрисидаги ахборотларнинг етарлилиги;

б) асословчи ҳужжатларнинг тўлиқлиги.

16. Ариза билан бирга тақдим этилган ҳужжатларни дастлабки баҳолаш натижалари салбий бўлганда, ариза берувчига унинг аризаси рад этилганлигининг асосланган сабаблари кўрсатилган ҳолда хабарнома юборилади.

17. Асословчи ҳужжатлар бўйича камчиликлар мавжуд бўлган тақдирда, ариза берувчи ўқув юртини сертификатлаш бўйича текширувнинг бошланишига қадар уларни бартараф этиши шарт.

18. Асословчи ҳужжатларнинг экспертизаси ижобий натижаларга эга бўлса, «Дававианазорат» инспекцияси томонидан ўқув юртини сертификатлаш бўйича текширувдан ўтказиш ҳақида қарор қабул қилинади ҳамда ариза берувчи билан келишилган ҳолда уни ўтказиш муддатлари белгиланади.

#### **§ 4. Ўқув юртини сертификатлаш бўйича текширувдан ўтказиш**

19. Ўқув юртини сертификатлаш бўйича текширувдан ўтказиш комиссияси (бундан кейинги ўринларда комиссия деб юритилади) «Дававианазорат» инспекциясида тузилади. Ўқув юртининг фаолияти хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда комиссия томонидан текшириш дастури ишлаб чиқилади.

20. Комиссия томонидан ўқув юртини сертификатлаш бўйича текширувдан ўтказилиши қуйидаги мақсадларда амалга оширилади:

а) ўқув юртининг мазкур Қоидалар билан ўрнатилган талабларга ва ариза берувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатларга мувофиқлигини аниқлаш;

б) ўқув юртининг таркиби ва хоналари, тренажёр комплексининг ҳолатини, техник жиҳатдан таъминланганлигини, ўқув жараёнининг таъминланиш ҳолатини аниқлаш;

в) авиация ходимларини тайёрлаш жараёнида машғулотлардан олинган натижалар самарали бўлишини таъминлайдиган услубиятлар қўлланилишини, шунингдек олиб бориладиган тайёрлашнинг мазмуни ва унда баён этиладиган маълумотлар тингловчиларга тўла ҳажмда берилишига ишонч ҳосил қилиш.

21. Текширув натижалари бўйича беш иш кунни давомида қуйидаги ҳужжатлар расмийлаштирилади:

а) ўқув юртини сертификатлашга тўсқинлик қилувчи номувофиқликлар мавжуд бўлган ҳолларда далолатнома. Унда текшириш натижалари келтирилади, аниқланган камчиликлар ва уларни бартараф этиш бўйича тавсиялар кўрсатилади;

б) ўқув юртини сертификатлашга тўсқинлик қилувчи номувофиқликлар мавжуд бўлмаган ҳолларда ижобий хулоса.

22. Далолатнома асосида ариза берувчи камчиликларни бартараф қилиш бўйича чоралар кўриши, шунингдек уларни бартараф этиш бўйича ишлаб чиқилган тадбирлар режасини «Дававианазорат» инспекциясига топшириши зарур.

23. «Дававианазорат» инспекцияси текширув натижаларини ва ўқув юрти томонидан топширилган тадбирлар режасини кўриб чиқади. Зарур бўлган ҳолларда, қайта текширув ўтказилади.

24. Бажарилган ишларнинг яқунлари ва комиссиянинг хулосалари акс этти-

рилган сертификатни бериш ёки бермаслик тўғрисидаги хулоса текширув натижалари бўйича якуний ҳужжат ҳисобланади. Хулоса комиссиянинг барча аъзолари томонидан имзоланади ва «Дававианазорат» инспекцияси томонидан тасдиқланади. Хулосанинг бир нусхаси ариза берувчига юборилади.

25. Текширув ўтказилган кундан бошлаб икки ой мобайнида ариза берувчининг айби билан сертификат бериш ҳақида қарор қабул қилинмаса, ариза бекор қилинади.

Ариза берувчи умумий асосларга кўра қайтадан ариза бериши мумкин.

### **III. Ўқув юртига сертификатнинг берилиши**

#### **§ 1. Умумий қоидалар**

26. Асословчи ҳужжатлар бўйича ўтказилган экспертиза ва текширув натижалари ижобий баҳоланган ҳамда барча ҳужжатлар расмийлаштирилган тақдирда, «Дававианазорат» инспекцияси томонидан сертификат бериш ҳақида қарор қабул қилинади.

27. Сертификат мазкур Қоидаларнинг 4-иловасида келтирилган шаклда расмийлаштирилади ва қайд қилинади

Сертификат уч йилгача бўлган муддатга берилади.

28. Сертификатнинг асли ариза берувчида, нусхаси эса «Дававианазорат» инспекциясида сақланади.

Сертификат йўқотилганда ёки яроқсиз ҳолга келиб қолганда, белгиланган тартибда унинг дубликати берилади.

29. Сертификатнинг амал қилиш муддати тугагач, унинг асли ўн кун ичида «Дававианазорат» инспекциясига топширилиши шарт.

#### **§ 2. Сертификатнинг амал қилиш муддатини узайтириш**

30. Сертификатнинг амал қилиш муддатини узайтириш ўқув юртининг ариза-сига асосан мазкур Қоидаларда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Сертификатнинг амал қилиш муддати мобайнида ўзгариш бўлмаган ҳужжатларни қайтадан топширмасликка руҳсат этилади.

31. Асословчи ҳужжатларнинг экспертизаси ва текширув натижалари ижобий бўлса, уларнинг натижалари бўйича барча тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилади ва «Дававианазорат» инспекцияси сертификатнинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисида қарор қабул қилади.

#### **§ 3. Сертификатга ўзгартириш киритиш**

32. Сертификатга ўзгартириш киритиш учун ўқув юрти зарур ҳужжатларни илова қилган ҳолда «Дававианазорат» инспекциясига ариза билан мурожаат қилади. Ариза ўн кун муддатда кўриб чиқилади.

33. Зарур бўлган ҳолларда «Дававианазорат» инспекцияси томонидан текширув ўтказилади. Текширув мазкур Қоидалар II бобининг 4-параграфи талабларига мувофиқ амалга оширилади.

34. Текширув натижалари ижобий бўлса, унинг натижалари бўйича барча зарур ҳужжатлар расмийлаштирилади ва «Дававианазорат» инспекцияси сертификатга ўзгартириш киритиш тўғрисида қарор қабул қилади.

#### § 4. Сертификатни бекор қилиш ва унинг амал қилишини тўхтатиш, тиклаш

35. Қуйидаги ҳолларда сертификат бекор қилинади:

а) СЎЮ сертификатнинг бекор қилинишини сўраб ёзма равишда мурожаат қилганда;

б) сертификатнинг амал қилиш муддати тугаганда;

в) амал қилиниши тўхтатиб қўйилган сертификат белгиланган муддатларда «Дававианазорат» инспекциясига қайтариб берилмаганда.

36. Қуйидаги ҳолларда сертификатнинг амал қилиниши тўхтатилади:

а) ўқув юртини сертификатлашда асос бўлган талабларнинг бузилганлиги (риоя этилмаганлиги) ҳолатлари аниқланганда;

б) аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича «Дававианазорат» инспекциясининг кўрсатмалари белгиланган муддатларда бажарилмаганда;

в) авиация мутахассисларини тайёрлаш сифатининг пасайишига таъсир қилувчи бошқа омиллар аниқланганда.

37. Сертификатнинг бекор қилиниши ёки амал қилинишини тўхтатиб қўйиш СЎЮнинг умумий ёки алоҳида фаолият турларига нисбатан қўлланилиши мумкин.

38. «Дававианазорат» инспекцияси раҳбари томонидан сертификатнинг амал қилинишини бекор қилиш ёки тўхтатиб қўйиш тўғрисида қарор қабул қилинади ва имзоланган вақтдан бошлаб кучга киради.

39. Сертификатнинг бекор қилинганлиги ёки амал қилиши тўхтатиб қўйилганлиги тўғрисида хабарномани олган СЎЮ қуйидагиларни бажариши шарт:

а) сертификатда кўрсатиб ўтилган фаолиятни бажаришни зудлик билан тўхтатиш;

б) СЎЮ хизматидан фойдаланувчиларни бу ҳақда хабардор қилиш;

в) уч кунлик муддат ичида сертификатнинг асл нусхасини «Дававианазорат» инспекциясига қайтариш.

40. Амал қилиши бир ойдан ортиқ, лекин уч ойдан кўп бўлмаган муддатга тўхтатиб қўйилган сертификатнинг амал қилишини тиклаш учун СЎЮ томонидан ариза берилди. Камчиликлар бартараф этилганлиги тўғрисида ҳисобот тақдим этилгандан сўнг, унинг амал қилиш муддати қайта тикланади.

41. Зарур бўлган ҳолларда қайтадан сертификатни олиш учун ўқув юрти умумий асосларда ариза бериши керак.

### IV. СЎЮнинг фаолияти устидан назорат

#### § 1. Инспекторлик текширувлари

42. СЎЮнинг сертификатда белгиланган талаблар доирасида фаолият юрти-шини таъминлаш мақсадида, «Дававианазорат» инспекцияси СЎЮ устидан назоратни инспекторлик текширувларини ўтказиш йўли билан амалга оширади.

43. Назоратнинг қуйидаги турлари мавжуд:

а) «Дававианазорат» инспекцияси томонидан тасдиқланган назорат режа-жадвалига мувофиқ режали инспекторлик текширувлари (камида йилига бир марта);

б) СЎЮ ушбу Қоидаларнинг талабларига жавоб беришини, сертификат берилаётганда ўрнатилган шартлар ва чекловларнинг бажараётганлигини баҳолаш учун ўтказиладиган режадан ташқари инспекторлик текширувлари.

44. Инспекторлик текширувини ўтказиш тартиби ушбу Қоидаларнинг талабига

жавоб бериши керак. Текширув материаллари асословчи ҳужжатлар билан бирга сақланади.

45. СЎЮ «Дававианазорат» инспекциясининг инспекторлик текширувларини ўтказиш комиссиясига ишлаш учун барча шароитларни яратиб бериши лозим.

46. «Дававианазорат» инспекцияси инспекторлик текширувларини ўтказиш комиссиясининг иш тартиби «Дававианазорат» инспекциясининг ҳужжатлари билан белгиланади.

47. Инспекторлик текширувининг натижалари тўғрисида далолатнома расмийлаштирилади. Далолатномада аниқланган барча камчиликлар, уларни бартараф этиш муддатлари ва тавсия этиладиган тадбирлар кўрсатилади.

## § 2. Режадан ташқари инспекторлик текширувлари

48. Қўйидагилар СЎЮда режадан ташқари инспекторлик текширувларини ўтказиш учун асос бўлади:

а) авиация мутахассисларини тайёрлашда сифат даражасининг пасайганлиги тўғрисида ахборот;

б) СЎЮнинг фаолият юритиш жараёнида сертификатлаш талаблари бўйича номувофикликларнинг аниқланиши.

49. Режадан ташқари инспекторлик текширувлари назорат ўтказиш сабабидан келиб чиққан ҳолда «Дававианазорат» инспекцияси раҳбари томонидан берилган топшириққа биноан ўтказилади.

50. Инспекторлик текшируви натижалари ушбу Қоидаларнинг 47-бандига мувофик расмийлаштирилади.

## V. Баҳолаш ва текшириш

51. СЎЮда ўқиган авиация мутахассисларининг билими «Дававианазорат» инспекциясининг Олий малака комиссияси томонидан назорат қилинади.

52. «Дававианазорат» инспекцияси авиация мутахассисларининг билимини баҳолаш ва текшириш мақсадида алоҳида йўриқномаларни ишлаб чиқади.

53. Сертификатни бериш ва малака баҳоларини қўйишга оид бўлган баҳолаш вазифалари СЎЮнинг тасарруфида бўлмаган имтиҳон олувчилар томонидан амалга оширилиши шарт.

## VI. Хорижий давлатлар ўқув юртларини тан олиш тартиби

54. Ўзбекистон Республикасида ФА авиация ходимларини махсус тайёргарликдан ўтказишнинг айрим турлари билан таъминланмаганлигини инобатга олиб, «Дававианазорат» инспекцияси хорижий давлатларнинг сертификатланган (тасдиқланган) ўқув юртларини тан олиши мумкин.

55. Хорижий давлатларнинг СЎЮларини тан олиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг СЎЮларини тан олиш тартибидан фарқ қилмайди.

56. «Дававианазорат» инспекцияси қўйидагиларга ишонч ҳосил қилиши лозим:

а) ўқув юртига сертификат (гувоҳнома) берган идоранинг мақоми ва ваколати ўқув юрти таъсис қилинган ва ИКАОга аъзо бўлган мамлакатнинг давлат ҳокимияти органлари томонидан тан олинганлигига;

б) ўқув юртига қўйиладиган талаблар ИКАО томонидан ўрнатилган стандартларга жавоб беришига;

в) авиация ходимларини тайёрлаш дастуридаги маълумотлар мазкур Қоидаларда кўрсатилган талаблардан паст бўлмаслигига, ўқитиш услуби ва техник воситалар ўқитиш жараёнининг самарали ва сифатли бўлишини таъминлашига ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясининг авиакорхоналаридаги ўқув юртлирини сертификатлаш қоидаларига  
1-ИЛОВА

**«Дававианазорат» инспекцияси  
раҳбарига**

**Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясининг  
авиакорхоналаридаги ўқув юрти сертификатини олиш учун**

### АРИЗА

Ўқув юрти \_\_\_\_\_  
(номи ва қайси идорага тегишлилиги)

Ўқув юртининг жойлашган ери \_\_\_\_\_

Телефон рақами \_\_\_\_\_ Факс рақами \_\_\_\_\_

Банк реквизитлари \_\_\_\_\_

(раҳбарнинг лавозими, Ф.И.О.)

тимсолида

фуқаро авиацияси ўқув юртининг амалдаги меъёрларга тўғри келишини қуйидаги мақсадда текширишни сўрайди:

- 1) сертификатни биринчи марта олиш;
- 2) сертификатнинг амал қилиш муддатини узайтириш;
- 3) авиация ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлашнинг рухсат этилган турлари рўйхатига қўшимча киритиш;
- 4) авиация техникасининг ўрганилаётган турлари рўйхатига қўшимча киритиш;
- 5) бошқа сабаблар (кўрсатилсин).

ФА ўқув юртининг текширилиши лозим бўлган фаолият турларининг баёни:

Илова: рўйхатга мувофиқ асосий маълумотлар ва зарур хужжатлар. Илова аризининг ажралмас қисмидир.

Ўқув юрти раҳбари \_\_\_\_\_  
(имзо) \_\_\_\_\_ (Ф.И.О.)

М.Ў. \_\_\_\_\_ 20\_\_ й. «\_\_\_\_» \_\_\_\_\_

Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиация-  
сининг авиакорхоналаридаги ўқув юртли-  
рини сертификатлаш қоидаларига  
2-ИЛОВА

**Маълумотларни тақдим қилиш бўйича намунавий шакллар ва  
асословчи ҳужжатлар  
РЎЙХАТИ**

**I. Маълумотларни тақдим қилиш бўйича намунавий шакллар**

1-шакл

**Ўқув юртининг тузилмаси, тингловчилар ва ўқитувчилар  
сони тўғрисида умумий  
МАЪЛУМОТЛАР**

(Ўқув юртининг номи)

Т/р	Кўрсаткичлар номи	Сони
1	2	3
1.	Ўқув юртининг тузилмаси: ўқув бўлинмаси; авиация тренажёрлари бўлинмаси; умумий бўлинма; хўжалик бўлинмаси; учиш-услубий бўлинма; бошқа бўлинмалар.	
2.	Ўқув-тажриба ўтказиш хоналарининг умумий майдони (кв. м). Шу жумладан: ўқув бўлинмаси; учиш-услубий бўлинмаси; авиация тренажёрлари бўлинмаси; умумий бўлинма; бошқа бўлимлар.	

Ўқув юрти раҳбари

(имзо)

Ф.И.О.)

М.Ў.

20\_\_ й. «\_\_\_\_» \_\_\_\_\_

**Ўқув юрти томонидан фойдаланиладиган майдонлар тўғрисида  
МАЪЛУМОТЛАР**

(Ўқув юртининг номи) \_\_\_\_\_

Ўқув-тажриба ўтказиш хоналарининг умумий майдони (м.кв.) \_\_\_\_\_

Т/р	Ўқув жараёни учун эгалланган қурилмаларнинг ҳақиқий манзили	Қурилмалардаги хоналарга эгалик шакли (мулкчилик, ижара ва ҳ. к. ҳуқуқида) ва қонуний ҳуқуқли ҳужжатларнинг реквизитлари	Хоналар тури (маъруза, амалий машғулот аудит., компьютер, лингафон, тажрибахоналар ва бошқа синфлар, мажлислар ва жисмоний тарбия заллари ва ҳ. к.)	Майдон (м.кв.)	Сигими (киши)	Бир турдаги хоналарнинг сони
1	2	3	4	5	6	7

Ўқув юрти раҳбари \_\_\_\_\_

(имзо)

Ф.И.О.) \_\_\_\_\_

М.ў.

20\_\_ й. «\_\_\_» \_\_\_\_\_



+

3-шакл

**Бошқарувчи раҳбарлар ва ўқитувчилар таркиби тўғрисида  
МАЪЛУМОТЛАР**

\_\_\_\_\_ (ўқув юртининг номи)

Т/р	Ф.И.О.	Дарс берадиган фани	Педагогик стажи	Тоифаси	Маълумоти	Малака ошириш курсларидан ўтганлиги	20__ (жорий йил) ҳолатига стажировкаси	Ёши (туғилган йили)
1	2	3	4	5	6	7	8	9
1.								
2.								

Ўқув юрти раҳбари \_\_\_\_\_

(имзо)

\_\_\_\_\_ (Ф.И.О.)

М.Ў.

20\_\_ й. «\_\_\_\_» \_\_\_\_\_

**Командир-учувчилар ва учувчи-инструкторлик  
таркиби тўғрисида  
МАЪЛУМОТЛАР**

---

(ўзининг ўқув эскадрильясига эга бўлган ўқув юртининг номи)

---

(ўзининг ўқув эскадрильясига эга бўлмаган ўқув юртининг номи)

---

(мутахассиснинг фамилияси, исми, отасининг исми)

1. Умумий учган вақти \_\_\_\_\_ соат.
2. Қўйидаги ҳаво кемаларида парвоз қилишга рухсат берилган:
3. \_\_\_\_\_ (русумли) ХҚда \_\_\_\_\_ соат, шу жумладан ХҚ командири сифатида \_\_\_\_\_ соат.
4. Мутахассисга 20\_\_ й. «\_\_\_\_» \_\_\_\_\_даги \_\_\_\_\_-сонли буйруқ, \_\_\_\_\_-сонли баённома асосида 20\_\_ й. «\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни \_\_\_\_\_ класс берилган.
5. Сертификатнинг рақами \_\_\_\_\_, амал қилиш муддати 20\_\_ й. «\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ гача.
6. Қўйидаги метеорологик минимумларда \_\_\_\_\_ (русумли) ХҚда парвозларни бажаришга рухсат берилган:
 

Визуал парвоз коидалари булутлилик \_\_\_\_\_ м. Асбоблар бўйича учиш коидалари булутлилик \_\_\_\_\_ м.

кўриниш \_\_\_\_\_ м. кўриниш \_\_\_\_\_ м.

шамол \_\_\_\_\_ м/с
7. Самолётни бошқариш техникаси текширилган сана \_\_\_\_\_, баҳо \_\_\_\_\_
- Самолётни йўналиш бўйича олиб юриши текширилган сана \_\_\_\_\_, баҳо \_\_\_\_\_
- Парвоздаги амалий ишлари текширилган сана \_\_\_\_\_, баҳо \_\_\_\_\_
8. Дастлабки тайёргарликдан 19\_\_ й.да \_\_\_\_\_ да ўтган.
 

(ўқув юрти)

\_\_\_\_\_ ўқув юртида \_\_\_\_\_ (русумли) ХҚга қайта ўқиган вақти \_\_\_\_\_.

(сана)
9. \_\_\_\_\_ ўқув юртида охириги малака оширган курслари \_\_\_\_\_.

(сана)

10. Инглиз тилида радиотелефон алоқасини олиб боришга қўйилиши:
 

20\_\_ й. «\_\_\_\_» \_\_\_\_\_даги \_\_\_\_\_-сонли буйруқ

20\_\_ й. «\_\_\_\_» \_\_\_\_\_даги \_\_\_\_\_-рақамли гувоҳнома \_\_\_\_\_ томонидан берилган.
11. Халқаро парвозларни бажаришга қўйилиши:
 

\_\_\_\_\_ нинг 20\_\_ й. «\_\_\_\_» \_\_\_\_\_даги \_\_\_\_\_-сонли буйруғи.

(корхона)

12. Услубий (инструкторлик) курслари

\_\_\_\_\_ (қаерда)

\_\_\_\_\_ (қачон)

Изоҳ: Ўқув юртининг штатдаги ҳар бир мутахассисига ва авиакорхоналардан жалб қилинувчи учувчи мутахассисларга тўлдирилади.

Ўқув юрти раҳбари

\_\_\_\_\_ (имзо)

\_\_\_\_\_ (Ф.И.О.)

М.Ў.

20\_\_ й. «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_

+

-

**Муҳандислик ва инструкторлик таркиби тўғрисида  
МАЪЛУМОТЛАР**

(Ўқув юртининг номи)

Т/р	Ф.И.О.	Лавозими	Мутахассислиги бўйича иш стажи	Тоифаси	Маълумоти	Малака ошириш курсларидан ўтганлиги	20__ (жорий йил) ҳолатига стажировкаси	Ёши (туғилган йили)
1	2	3	4	5	6	7	8	9
1.								
2.								

Ўқув юрти раҳбари

(имзо)

Ф.И.О.)

М.Ў.

20\_\_ й. «\_\_» \_\_\_\_\_

6-шакл

**Авиация мутахассисларини тайёрлаш турлари ва  
тингловчиларнинг сони тўғрисида  
МАЪЛУМОТЛАР**

(ўқув юртининг номи)

Т/р	Тайёрлаш турлари	Гуруҳлар сони	Тингловчилар сони	Изоҳ
1	2	3	4	5
1.				
2.				

Ўқув юрти раҳбари

(имзо)

Ф.И.О.)

М.Ў.

20\_\_ й. «\_\_\_» \_\_\_\_\_

7-шакл

**Ўқитиш жараёнининг ўқув адабиёти билан  
таъминланганлиги тўғрисида  
МАЪЛУМОТЛАР**

(ўқув юртининг номи)

Т/р	Фан (курс) ва ўқув адабиётининг номи	Муаллиф	Нашр этилган йил	Нусхалар сони
1	2	3	4	5
1.				

Изоҳ: Ўқув юртининг шахсий кутубхонасида мавжуд адабиётлар кўрсатилади.

Ўқув юрти раҳбари

(имзо)

Ф.И.О.)

М.Ў.

20\_\_ й. «\_\_\_» \_\_\_\_\_

8-шакл

**Ўқитиш жараёнининг ўқитиш жиҳозлари, техник воситалар ва ШЭХМ билан таъминланганлиги тўғрисида  
МАЪЛУМОТЛАР**

(ўқув юртининг номи)

Т/р	Ўқитиш жиҳозлари ёки техник воситаларининг номи	Ишлаб чиқарилган йил	Эксплуатацияга киритилган йил	Бирликлар сони
1	2	3	4	5
1.				

Ўқув юрти раҳбари

(имзо)

Ф.И.О.)

М.Ў.

20\_\_ й. «\_\_\_» \_\_\_\_\_

9-шакл

**Тайёрлаш турлари бўйича ўқув режалари ва дастурларининг  
РЎЙХАТИ**

Т/р	Тайёрлаш турлари	Дастурнинг номи	«Дававианазорат» инспекцияси тасдиқлаган сана	Изоҳ
1.	2.	3.	4.	5.
	Назарий тайёрлаш Дастлабки тайёрлаш курслари			
	Назарий тайёрлаш ХКнинг бошқа турларига қайта тайёрлаш			
	Назарий тайёрлаш Малака ошириш курслари			
	Тренажёрда тайёрлаш			
	Парвоз тайёргарлиги			

Ўқув юрти раҳбари

(имзо)

Ф.И.О.)

М.Ў.

20\_\_ й. «\_\_\_» \_\_\_\_\_

10-шакл

**Услубий ишларни ташкил этиш ва олиб бориш тўғрисида  
МАЪЛУМОТЛАР**

(ўқув юртининг номи)

Т/р	Ишлаб чиқилган услублар номи	Ишлаб чиқилган йил	Ишлаб чиқувчи	Бирликлар сони
1	2	3	4	5
1.				

Ўқув юрти раҳбари

(имзо)

Ф.И.О.)

М.Ў.

20\_\_ й. «\_\_» \_\_\_\_\_

11-шакл

**Ўқув-тажриба базасининг ҳолати тўғрисида  
МАЪЛУМОТЛАР**

(ўқув юртининг номи)

Т/р	Стендлар, макетлар, ўрнатмалар ва бошқаларнинг номи	Ишлаб чиқарилган йил	Эксплуатацияга киритилган йил	Бирликлар сони
1	2	3	4	5
1.				

Ўқув юрти раҳбари

(имзо)

Ф.И.О.)

М.Ў.

20\_\_ й. «\_\_» \_\_\_\_\_

**Комплекс ва алоҳида машқларни бажариш тренажёрлари  
ҳамда жиҳозларнинг турлари тўғрисида  
МАЪЛУМОТЛАР**

(Ўқув юртининг номи)

Т/р	Комплекс ва алоҳида машқ бажариш тренажёрлари ва уларнинг жиҳозлари турларининг номи	Ишлаб чиқарилган йил	Эксплуатацияга киритилган йил	Бирликлар сони
1	2	3	4	5
1.				

Ўқув юрти раҳбари

(имзо)

Ф.И.О.)

М.Ў.

20\_\_ й. «\_\_\_» \_\_\_\_\_

## II. Асословчи ҳужжатлар рўйхати

### § 1. Асосий маълумотлар ва таъсис ҳужжатлари

- а) низом ва таъсис шартномасининг нусхаси;
- б) юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;
- в) ходимларни тайёрлаш ва ўқитиш тартиби бўйича қўлланма;
- г) ўқув юртидаги сифат тизими бўйича қўлланма.

### § 2. Ташкилий тузилма, раҳбарият, ходимлар

- а) 1-шакл «Ўқув юртининг тузилмаси, тингловчилар ва ўқитувчилар сони тўғрисида умумий маълумотлар»;
- б) 2-шакл «Ўқув юрти томонидан фойдаланиладиган майдонлар тўғрисида маълумотлар»;
- в) 3-шакл «Бошқарувчи раҳбарлар ва ўқитувчилар таркиби тўғрисида маълумотлар»;
- г) 4-шакл «Командир-учувчилар ва учувчи-инструкторлик таркиби тўғрисида маълумотлар»;
- д) 5-шакл «Мухандислик ва инструкторлик таркиби тўғрисида маълумотлар»;
- е) аризачи авиакорхона раҳбари томонидан тасдиқланган ўқув юртининг таркибий чизмаси ва корхонанинг штатлар рўйхати;
- ё) бинолар ва қурилмаларни ижарага олиш шартномаси;



ж) ўқув юрти хоналарининг ёнғин хавфсизлиги ва санитария қоидаларига мувофиқлиги тўғрисида маълумотлар.

Изоҳ: Штатлар рўйхати «Дававианазорат» инспекцияси билан келишилган ҳажмларда ва шаклда тақдим этилади.

### § 3. Молиявий таъминланиши

- а) ўқув юртининг банклардаги ҳисобварақлари тўғрисида маълумот;
- в) аризачининг молиявий ҳолати тўғрисида маълумот.

### § 4. Ўқитиш жараёнининг таъминланиши

- а) 6-шакл «Авиация мутахассисларини тайёрлаш турлари ва тингловчиларнинг сони тўғрисида маълумотлар»;
- б) 7-шакл «Ўқитиш жараёнининг ўқув адабиёти билан таъминланганлиги тўғрисида маълумотлар»;
- в) 8-шакл «Ўқитиш жараёнининг ўқитиш жиҳозлари, техник воситалар ва ШЭХМ билан таъминланганлиги тўғрисида маълумотлар»;
- г) 9-шакл «Тайёрлаш турлари бўйича ўқув режалари ва дастурларининг рўйхати»;
- д) 10-шакл «Услубий ишларни ташкил этиш ва олиб бориш тўғрисида маълумотлар»;
- е) 11-шакл «Ўқув-тажриба базасининг ҳолати тўғрисида маълумотлар»;
- ё) ўқув юртининг педагогик кенгаши тўғрисида низом;
- ж) ўқитувчилар таркибининг йил давомида малака ошириш жадвали;
- з) ўқув юртининг муайян фанлар комиссияси тўғрисида низом;
- и) ўқув юртининг муайян фанлар комиссияси томонидан услубий тадбирларни ташкил этиш режаси;
- к) фанлар бўйича дарс олиб боришга рухсат бериш;
- л) ўқув дастурларининг мавзулари бўйича услубиятларни ишлаб чиқиш жадвали;
- м) тажриба стендлари ва макетларнинг рўйхати.

### § 5. Тренажёрда тайёргарликни ташкил этиш

- а) 12-шакл «Комплекс ва алоҳида машқларни бажариш тренажёрлари ҳамда жиҳозларнинг турлари тўғрисида маълумотлар»;
- б) авиация ўқув марказининг тренажёрлар комплекси тўғрисида низом;
- в) комплекс ва алоҳида машқларни бажариш тренажёрларини техник таъминлашнинг зарур турлари бўйича тузилган шартномалар;
- г) инструкторлар таркибини тайёрлаш машғулотларини ўтказишга тузилган шартномалар;
- д) инструкторлар таркибини тиббий хизматлар билан таъминлаш;
- е) инструкторлар таркибини ўриндошлик асосида ишга қабул қилиш тўғрисидаги келишув нусхаси (агар мавжуд бўлса).

### § 6. Учиш-услубият бўйича тайёрлашни ташкил этиш

- а) ўқув юртининг учиш-услубият бўлими тўғрисида низом;

б) учувчилар таркибини комплекс ва алоҳида машқларни бажариш тренажёрларида тайёрлаш турларига зарур бўлган шартномаларнинг нусхаси.

Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиация-  
сининг авиакорхоналаридаги ўқув юртла-  
рини сертификатлаш қоидаларига  
3-ИЛОВА

## Ўқув юртига қўйиладиган сертификатлаш ТАЛАБЛАРИ

### § 1. Воситаларга умумий талаблар

1. Ўқув юртини тасдиқлаш учун зарур бўлган воситалар қўйилган вазифаларнинг кенглиги ва ҳажми билан аниқланади.

2. Ўқув юрти курсларни ўтказиш учун зарур бўлган ўқув базасига эга бўлиши керак.

3. Ўқув юртининг ўқув базасида барча зарур воситалар билан жиҳозланган махсус қурилмалар (хоналар) ва асбоб-ускуналар (шу жумладан аэродромлар, авиация техникаси) бўлиши зарур.

4. Белгиланган вазифаларни бажариш учун ўқув юрти қўйидагиларга эга бўлиши лозим:

а) авиация техникаси намуналари ва макетлари, кўргазма қуроллари, амалий ва машқ қилиш тренажёрлари ҳамда бошқа дастурий-услубий ҳужжатлар ва аудио-визуал воситалари жамланмаси билан жиҳозланган ўқув кабинетлари ва тажриба-хоналарга эга бўлган ўқув корпуси;

б) зарур бўлган адабиёт, ўқув материаллари фонди ва тегишли жиҳозлар билан тўлдирилган кутубхона;

в) педагог ходимлар, инструкторлик таркиби ва хизмат кўрсатувчи ходимлар учун хоналар.

5. Ўқув юртида ўқув аудиторияларидан ташқари яна қўйидагилар мавжуд бўлиши зарур:

а) мажлислар ўтказиш ҳамда барча ходимларни йиғиш учун хоналар (мажлислар зали);

б) машинада ёзиш ва нусха кўпайтириш базасига эга бўлган маъмурият сектори;

в) кийим алмаштириш хонаси ва бошқалар.

### § 2. Аудиторияларга бўлган талаблар

6. Аудиториялар ходимларни тайёрлаш талабларига мувофиқ бўлиши, маъруза хоналарининг ўлчами эса синфдаги тингловчилар сонига тўғри келиши лозим. Тингловчиларнинг энг кам сони ўн олти нафар бўлиши ва йигирма нафардан ошмаслиги керак.

7. Ўн олти нафар тингловчилар учун шахсий столлар билан жиҳозланган одатдаги аудиториянинг майдони 55 кв.м. бўлиши керак. Барча маъруза хоналарининг ўлчамлари ҳамма тингловчиларни жойлаштириш учун етарли бўлиши лозим.

8. Ўқув аудиторияларини ўқув кўргазма қуроллари ва ЎТВлар билан жиҳозлаш тайёрлаш (қайта тайёрлаш) дастурларига мувофиқ бўлиши, ўқитишнинг кўргаз-

мали бўлишини таъминлаши ҳамда зарур бўлган малака ва кўникмаларни тингловчиларга тушунтириш имкониятини яратиши шарт.

9. Ўқув аудиториялари ўрганилаётган ХК турлари, авиация двигателлари ва жиҳозлари ҳисобга олинган ҳолда фанларга махсуслаштирилган бўлиши керак.

10. Ўқитиш жараёнида тингловчилар билан амалий машғулотлар ишлаб чиқариш шароитида тегишли жадваллар бўйича олиб борилиши мумкин. Зарурат бўлганда, таркибида ўқув юрти мавжуд корхона раҳбари билан тузилган шартнома ёки бу раҳбарнинг фармойиши асосида корхона хизматларининг ва тренажёр марказларининг техник ва услубий синфлари ҳамда уларнинг жиҳозлари ўқув муассасасининг умумий ўқув базасига филиал сифатида қўшимча равишда киритилиши мумкин.

### **§ 3. Ўқитиш жараёнининг ташкил қилинишига бўлган талаблар**

11. Ўқув юртида авиация ходимларини тайёрлаш жараёнининг ташкил қилинишига бўлган талаблар қуйидагилардан иборат:

- а) назарий тайёрлашнинг ташкил қилиниши;
- б) тренажёрда тайёрлашнинг ташкил қилиниши;
- в) парвозга тайёрлашнинг ташкил қилиниши;
- г) ўқув режалари ва дастурлари;
- д) ўқув воситалари;
- е) ўқув-методика адабиётлари;
- ё) билимларни тест орқали синаш.

12. Ўқув юртида тайёрлаш жараёнини ташкил қилиш мазкур Қоидаларга мувофиқ ҳамда ўқув юртининг ўзига хос хусусиятини ва унда ҳал қилинувчи масалаларни инobatга олиш билан амалга оширилиши лозим.

### **§ 4. Назарий тайёрлашнинг ташкил қилинишига бўлган талаблар**

13. Авиация ходимларини назарий тайёрлаш машғулотларнинг самарали ўтказилиши ҳамда белгиланган турдаги тайёрлаш ва баён этилувчи материалнинг мазмуни тўла ҳажмда ва кўргазмали равишда берилишини таъминловчи ҳар қандай услублар билан олиб борилиши мумкин.

14. Авиация ходимларини назарий тайёрлашнинг сифатли олиб борилиши фақат олий маълумотли, ўқитилаётган ўқув дастури бўйича махсус тайёргарликдан ўтган малакали ўқитувчилар томонидан амалга оширилиши мумкин.

### **§ 5. Тренажёрлар бўйича тайёргарликнинг ташкил этилишига бўлган умумий талаблар**

15. Талаб қилинган турдаги тренажёрлар бўйича тайёргарлик «Дававианазорат» инспекцияси томонидан маъқулланган тренажёрларда амалга оширилади.

16. Тренажёрлар ФА соҳасидаги ҳужжатларда ўрнатилган талабларга мувофиқ бўлган ва «Дававианазорат» инспекциясининг рухсатига эга бўлган ҳолларда экипаж аъзоларининг ИКАОнинг I, II, III тоифалари бўйича метеорологик минимумларда парвоз қилишга ва метеорологик минимумларда қўнишга берилган рухсатномаларнинг шартларидаги ҳуқуқларини тасдиқлаши учун самолётларнинг комплекс тренажёрларидан фойдаланишга рухсат берилиши мумкин.

17. Машқлар «Дававианазорат» инспекциясида тасдиқланган ХҚнинг тегишли турларининг дастурларида назарда тутилган ҳажмларда амалга оширилади.

18. Барча турдаги машқларни ўтказиш учун ҳар бир тренажёр бўйича инструкторлар экипажининг штатдаги таркиби белгиланади.

19. Ҳаво кемаси тренажёрларида учувчилар таркибини текшириш ишларини авиакомпаниялар ҳамда «Дававианазорат» инспекциясининг инструкторлик ва командир-учувчилар таркиби ўтказиши, бунда штатдаги инструкторлик таркиби СКТнинг ишлашини ҳамда текшириш дастурининг бажарилишини таъминлайди.

20. Учувчилар таркибини ХҚнинг тегишли турларида тренажёр тайёргарлигидан ўтказиш дастури ва Ўзбекистон Республикаси ФА учувчилар таркибини ХҚ тренажёрларида машқ қилдиришни ташкил этиш бўйича йўриқнома ўқув юртида ишлаб чиқилади ва «Дававианазорат» инспекцияси билан келишилади.

### **§ 6. Парвоз тайёргарлигининг ташкил этилишига бўлган талаблар**

21. Ўқув юртида парвоз тайёргарлиги штатдаги инструкторлик таркиби томонидан ҳаво кемалари жалб қилинган ҳолда амалга оширилади.

22. ХҚнинг бошқа (янги) турига қайта ўқитиш дастури бўйича парвозга дастлабки тайёрлаш ўқув юртининг дастлабки тайёрлашга рухсат этилган инструкторлик таркиби томонидан амалга оширилади.

23. ЎУТД (ЎУТК) бўйича ўқув парвозлари ХҚ саҳнида йўловчиларсиз ва юк ортилмаган ҳолда бажарилади.

24. Парвоз тайёргарлигининг барча турлари ва текширувлари ФАдаги ХҚнинг аниқ турлари учун тасдиқланган Учувчилар таркибини тайёрлаш дастури бўйича амалга оширилади.

### **§ 7. Ўқитиш режалари ва дастурларига (курсларга) бўлган талаблар**

25. Тайёрлаш дастурлари ва режалари (курслари) фаолиятнинг хусусиятларига қараб ўқув юртида ишлаб чиқилади.

26. «Дававианазорат» инспекцияси томонидан берилган гувоҳномаларга эга бўлган авиация мутахассисларини тайёрлаш бўйича ўқув режалари ва дастурлари «Дававианазорат» инспекцияси билан келишилади. Бошқа тоифадаги ходимларни тайёрлаш дастурларини ўқув юртининг раҳбари тасдиқлайди.

Ўқув режалари ва дастурларининг нусхаси «Дававианазорат» инспекциясига юборилади.

27. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча ўқув юртларида авиация ходимлари ягона ўқув режалари ва дастурлари бўйича ўқитилади.

### **§ 8. Ўқитиш воситаларига бўлган талаблар**

28. Учиш ишларига тайёрлаш (амалий) курси босқичида фойдаланиладиган ХҚлар бу мақсадлар учун тегишли жиҳозларга эга бўлиши керак.

29. ЎТВлар замонавий ва аудиовизуал техника билан жамланган, талаб қилинувчи дастурлар ва видеофильмлар билан таъминланган бўлиши шарт. ЎТВлар барча авиация ходимларининг дастурланган ҳолда назарий ўқитилишини ва билим даражасини оқилона назорат қилинишини таъминлаши лозим.

### § 9. Ўқитиш жараёнининг ташкил қилиниши учун зарур бўлган ҳужжатларга талаблар

30. Ўқув юртида ўқитиш жараёнини ташкил қилиш учун қуйидаги ҳужжатлар мавжуд бўлиши керак:

- а) ўқув курсларининг йиллик режа-жадвали;
- б) йиллик иш режаси;
- в) мутахассислик бўйича ўқув режалари ва дастурлари;
- г) тайёрлаш дастурлари ва малака ошириш бўйича синов саволлари;
- д) ўқитувчилар ва инструкторлик таркибининг малакасини ошириш бўйича режа;
- е) ўқув машғулотларининг журнали;
- ё) машғулотларга ва очиқ дарсларга текширув билан кириш журнали;
- ж) амалий машғулотларда хавфсизлик техникаси бўйича инструктаж ўтказиш журнали;
- з) ўқитувчиларнинг тарификация рўйхати;
- и) машғулотлар ва имтиҳонлар жадвали;
- к) видеофильмлар, слайдлар ва диафильмлар рўйхати;
- л) имтиҳон қайдномалари;
- м) фанлар бўйича ўқув соатларининг ҳамда зарур бўлган ўқитувчилар сонининг ҳисоби;
- н) штатдаги ўқитувчиларнинг шахсий иш режалари;
- о) ўқув базасини жиҳозлаш бўйича режа;
- п) ШЭХМ учун фанлар бўйича дастурий таъминлаш;
- р) тасдиқланган ЎУТКлар рўйхати.

### § 10. Ўқув-методика адабиётларига бўлган талаблар

31. Ўқув-методика адабиётларининг рўйхати авиация ходимларини тайёрлаш (қайта тайёрлаш) ва малакасини ошириш режаларига киритилган ҳолда, шунингдек мазкур ўқув юртида ўқув жараёнларини ташкил қилувчи фанлар рўйхатидан келиб чиққан ҳолда аниқланиши керак.

32. Ўқув-методика адабиётлари ўқув юртининг кутубхонасида бўлиши керак. Тингловчилар ўқув-методика адабиётлари рўйхати билан танишиш ва буюртма қилиш имкониятига эга бўлиши лозим. Кутубхонада ўқув-методика адабиётларидан ташқари ХКлардан парвозда ва техник фойдаланиш қўлланмаси бўлиши шарт.

### § 11. ШЭХМда билимларни тест орқали текширишга бўлган талаблар

33. ШЭХМда билимларни тест орқали текшириш авиация ходимларининг касбий билим даражасини баҳолаш мезонларига мувофиқ амалга оширилади.

34. Билимларнинг тест орқали синалиши компьютер техникаси билан жиҳозланган аудиторияларда ўқитувчилар ва масъул шахслар (операторлар) бошчилигида ўтказилади.

35. Тестларни тузиш учун синов саволлари ўқув юртининг махсус фанлар бўйича ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилади ва «Дававианазорат» инспекцияси билан келишилади.

36. Билимларни тест орқали синаш тўғрисидаги низом ва тест синовларини

ўтказиш, расмийлаштириш ҳамда тест натижаларидан фойдаланиш бўйича йўриқнома ўқув юртида ишлаб чиқилади ва унинг раҳбари томонидан тасдиқланади.

37. Ўқув юртларида ШХЭМда тест синовларидан ўтказиш учун қуйидагилар мавжуд бўлиши шарт:

а) тингловчиларнинг билимларини тест орқали текшириш имконини яратиш учун етарли сондаги ШХЭМ билан жиҳозланган махсус аудиториялар;

б) ШХЭМга техник хизмат кўрсатиш учун тегишли ташкилот билан тузилган шартнома (ўқув юртининг штатида ШХЭМ бўйича ўзининг мутахассиси бўлмаган ҳолда);

в) билимларни тест орқали синаш ишларининг ташкил этилиши учун масъул бўлган ШХЭМ оператори;

г) ШХЭМда билимларни тест орқали синаш дастурини ишлаб чиқиш ва кириштиш учун масъул бўлган дастурловчи муҳандис;

д) билимларни тест орқали синаш тўғрисидаги низом;

е) тест синовларини ўтказиш, расмийлаштириш ҳамда тест натижаларидан фойдаланиш бўйича йўриқнома;

ё) ШХЭМда фойдаланиладиган тестларни тузиш учун синов саволлари;

ж) ШХЭМ оператори ва дастурловчи муҳандиснинг лавозим йўриқномалари;

з) ШХЭМда тест синовларидан ўтган авиация мутахассисларини ва тест натижаларини рўйхатга олиш журнали.

## § 12. Авиация ходимларини тайёрлаш ва ўқитиш тартиби бўйича қўлланмага бўлган талаблар

38. Ўқув юрти «Дававианазорат» инспекцияси билан келишган ҳолда Авиация ходимларини тайёрлаш ва ўқитиш тартиби бўйича қўлланмани ишлаб чиқади.

39. Қўлланма алоҳида қисмлар бўйича нашр қилиниши мумкин ҳамда қуйидаги маълумотларни ўз ичига олиши зарур:

а) СЎЮнинг шароитларига мувофиқ, рухсат этилган тайёрлаш кўламининг умумий тавсифи;

б) белгиланган ўқув дастурларининг мазмуни, шу жумладан фойдаланилиши керак бўлган ўқув курсини дастурлаш таъминоти ва жиҳозларнинг тавсифи;

в) ташкилотда амал қилаётган сифатни таъминлаш тизимининг тавсифи;

г) ташкилотда мавжуд бўлган воситаларнинг тавсифи;

д) СЎЮдаги талабларга риоя қилинишининг таъминланиши учун масъул қилиб тайинланган шахснинг фамилияси, исми, шарифи, вазифалари ва малакаси;

е) тайёрлашнинг режалаштирилиши, ўтказилиши ва назорати учун масъул қилиб тайинланган шахсларнинг вазифалари ва малакаси тавсифи;

ё) инструкторлик таркибининг малакасини аниқлаш ва ушлаб туришда қўлланиладиган тартибларнинг тавсифи;

ж) авиация ходимларини тайёрлаш тўғрисидаги ҳужжатларнинг юритилиш тартиби ва ҳисоб юритиш ҳужжатларини сақлаш тавсифи;

з) ўрнатилган тартиблар ва талабларга риоя қилинишининг таъминланиши учун зарур бўлган ҳолларда авиация ходимларини қўшимча тайёрлашнинг тавсифи;

и) тест синовларини ўтказишда ваколатли ходимларни танлаш тартиби ва уларнинг вазифалари, бу мақсадда қўлланиладиган ва «Дававианазорат» инспекцияси томонидан ўрнатилган талабларнинг тавсифи.

40. Авиация ходимларини тайёрлаш ва ўқитиш тартиби бўйича қўлланмадаги

маълумотларни янгилаш мақсадида ўзгартириш ва қўшимчаларни киритиш ўқув юрти томонидан амалга оширилади. Бу ўзгартиришлар қуйидаги ҳолларда киритилади:

- а) мунтазам равишда (камида йилига бир марта);
- б) ўқув юрти қайта ташкил этилганда;
- в) технологик ўзгаришлар юз берганда (масалан, янги жиҳозлар киритилганда);
- г) хавфсизлик қоидалари ўзгарганда.

41. Авиация ходимларини тайёрлаш ва ўқитиш тартиби бўйича қўлланмага киритилган барча ўзгартиришларнинг нусхалари мазкур қўлланмага эга бўлган барча ташкилотларга жўнатилади.

### § 13. Сифатни таъминлаш тизимига бўлган талаблар

42. Ўқув юрти Авиация мутахассисларини тайёрлаш сифатини таъминлаш бўйича қўлланмани ишлаб чиқади.

43. Авиация мутахассисларини тайёрлаш сифатини таъминлаш бўйича қўлланма ўтказиладиган тайёргарликнинг турига тўғри келадиган ўлчамдаги сифат тизимининг элементларини ўз ичига олиши керак.

### § 14. Ўқув юртини кадрлар билан таъминлашга талаблар

44. Ҳар бир ўқув юрти мазкур Қоидаларга мувофиқ, ўзининг масъул раҳбарига ва ўқув юртининг фаолият соҳаси ва кенглигига боғлиқ бўлган ҳолда асосий ходимларга эга бўлиши зарур.

45. Ўқув юрти ўқишларни режалаштириш, ўтказиш ва уларни назорат қилиш учун зарур бўлган ходимларга эга бўлиши керак.

46. Ўқув юрти режадаги ўқув курсларини ўтказиш учун етарли бўлган штатдаги ўқитувчи ва инструктор ходимлар таркибига эга бўлиши зарур.

47. Қуйидаги ҳолларда ўқитувчиларни соатбай ҳақ тўлаш шarti билан ишга жалб қилишга йўл қўйилади:

- а) штатдаги ўқитувчи билан алмаштириш имкони бўлмаган тақдирда;
- б) режадан ташқари курслар мавжуд бўлганда.

48. Ўқув юрти бажариладиган вазифалари ва мажбуриятларига мувофиқ мунтазам равишда малака оширилишини таъминлаши зарур.

49. Ўқув юртида қуйидаги намунавий лавозимларнинг бўлиши мақсадга мувофиқдир:

- а) масъул раҳбар;
- б) ўқув масалалари бўйича мудир;
- в) ўқитувчилар таркиби;
- г) тайёргарлик бўйича инструкторлар;
- д) парвоз тайёргарлиги бўйича инструкторлар;
- е) техник хизмат кўрсатиш бўйича менежер;
- ж) ходимлар билан ишлаш бўйича менежер;
- з) молиявий ишлар бўйича менежер;
- и) сифатни таъминлаш бўйича менежер.

### § 15. СЎЮ ходимлари ва ўқитувчиларига бўлган талаблар

50. Ҳар бир ўқув юрти ходимларнинг мутахассислигига малака хусусиятлари билан аниқланувчи талаблар қўйиши зарур.

51. Ўқитувчилар касбига бўлган талаблар ўқув юртида авиация ходимларини тайёрлаш турлари билан аниқланади ва қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) олий маълумотга эга бўлиши ва ариза берилган тайёргарлик турлари бўйича ўқув машғулотларини ўтказишга ваколати бўлиши;

б) педагогиканинг асослари бўйича тайёргарликдан ўтган бўлиши ҳамда бу тегишли гувоҳнома билан тасдиқланган бўлиши;

в) ўқув режалари ва дастурларини, ўқув ва услубий қўлланмаларни ишлаб чиқа олиши ва таянч конспектларини ёза олиши.

52. Ўқитувчилар ҳар бир фан бўйича қуйидагиларга эга бўлиши лозим:

а) таянч конспектлари;

б) фан бўйича ўқув дастури;

в) фан бўйича дарсликлар, ўқув-методик қўлланмалар, ЎТВ;

г) синов саволлари ва имтиҳон билетлари.

53. Назарий жиҳатдан тайёргарликни ўтказадиган ўқитувчиларнинг педагогик юкламалари қуйидагилардан иборат:

а) лекция соатлари, лекция ишлари алоҳида олинган бир ҳафтада йигирма соатдан ошмаслиги;

б) лекцияларга тайёрланиш, услубий материалларни, таянч конспектларини тузиш, кўргазма материалларини, ёзма ҳисоботлар ва хулосаларни тайёрлаш, имтиҳон ишларини текшириш ва ҳоказолар.

54. Бир ўқитувчига ўрганиладиган ХҚларнинг 4 та тури бириктирилиши мумкин.

55. Ўқув юртидаги амалий фаолияти давомида ўқитувчи ўзи дарс берадиган фан бўйича ҳар йили стажировкадан ўтади.

56. Мутахассислиги ва йўналиши бўйича ўқитувчи 5 йилда бир марта малакасини оширади.

57. Инструкторлик таркибига бўлган касбий талаблар ўқув юртида авиация ходимларини тайёрлаш турлари бўйича аниқланади.

58. Тренажёрда тайёргарлик тренажёр комплексининг мазкур иш турига рухсати бор бўлган инструкторлик таркиби томонидан ўтказилади.

59. Тингловчиларни парвоз тайёргарлигидан ўтказиш ФА ўқув юртларида, учиш-синов бўлинмаларида, тажриба-конструкторлик бюрolariда ҳамда авиация техникасини ишлаб чиқарувчи корхоналарда махсус ва услубий тайёргарликдан ўтган ҳамда ФА ўқув юртларининг парвоз тайёргарлиги дастурлари бўйича УТни дастлабки тайёрлашга инструкторлик рухсатномасини олган, билими жуда юқори даражада бўлган учувчи ходимлар томонидан бажарилади.

## § 16. Ҳисобга олиш ҳужжатлари

60. СЎЮда ҳисобга олиш тизими қуйидаги хусусиятларга эга бўлиши шарт:

а) маълумотларнинг тўла берилиши;

б) маълумотларнинг яхлитлиги.

61. Ўқув юрти ўқув жараёнига бўлган талабларнинг бажарилишини акс эттирувчи ҳужжатларнинг бутлигини ва тегишлича ҳисоб юритилишини таъминлаши керак.

62. Ҳисобга олиш ҳужжатларини сақлаш ва ҳисобга олиш тартиби ўқув юртининг ички ҳужжатлар билан белгиланади.



Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиация-  
сининг авиакорхоналаридаги ўқув юртла-  
рини сертификатлаш қоидаларига  
4-ИЛОВА



**Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини  
назорат қилиш давлат инспекцияси**

**Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясининг  
авиакорхоналаридаги ўқув юртининг  
сертификати**

Мазкур \_\_\_\_\_  
(сертификатланган ўқув юртининг номи ва манзили)

Ўзбекистон Республикасининг \_\_\_\_\_ Авиация қоидалари талабларига мувофиқ ҳамда махсус қоидаларда келтирилган, ажралмас қисми бўлиб ҳисобланган шартлар ва чекловларга мувофиқ \_\_\_\_\_ фаолиятини юритиши мумкин.

Сертификатни бошқа шахсларга бериш тақиқланади.  
Унинг амал қилиши белгиланган тартибда тўхтатиб қўйилиши мумкин.

Берилган вақти 20\_\_ й. «\_\_» \_\_\_\_\_

Сертификатнинг амал қилиш муддати 20\_\_ й. «\_\_» \_\_\_\_\_ гача.

Раҳбар \_\_\_\_\_  
(сертификатни берган идоранинг номи)

М.Ў. \_\_\_\_\_  
(имзо) (Ф.И.О)

Сертификатнинг дастлабки берилган вақти \_\_\_\_ й. «\_\_» \_\_\_\_\_

Сертификатланган ўқув юртининг махсус қоидалари бланкасининг шакли

**Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини  
назорат қилиш давлат инспекцияси**

**МАХСУС ҚОИДАЛАР**

Сертификатланган ўқув юртининг номи \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ рақамли сертификат

**А ҚИСМ.**

**1. ҲУҚУҚЛАР.**

Сертификатланган ўқув юртига авиация мутахассисларини қуйидаги касбий тайёрлаш (курслари) турларини ўтказишга рухсат этилади.

**2. АВИАЦИЯ МУТАХАССИСЛАРИНИ ДАСТЛАБКИ ТАЙЁРЛАШ.**

- учувчи-инструкторлик таркиби, учувчилар экипажи аъзолари, ҲК турлари;
- экипажга хизмат кўрсатувчи ходимлар, ҲК турлари;
- тренажёрлар бўйича инструкторлик таркиби, СКТ турлари;
- ташиш хизмати ходимлари, лавозимлари;
- инженерлик техник таркиб, ҲК турлари;
- ҳаво ҳаракатини бошқариш диспетчерлари;
- иш турлари ва бошқалар кўрсатилади.

**3. ҲАВО КЕМАЛАРИНИНГ ЯНГИ ТУРЛАРИГА ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ.**

- учувчилар экипажи аъзолари, ҲК турлари;
- экипажга хизмат кўрсатувчи ходимлар, ҲК турлари;
- инженерлик техник таркиб, ҲК турлари;
- иш турлари ва бошқалар кўрсатилади.

**4. ЧЕКЛОВЛАР.**

Авиация ходимларини тайёрлаш бўйича чекловлар ва бошқалар кўрсатилади.

**5. АВИАЦИЯ МУТАХАССИСЛАРИНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ.**

Малака ошириш курсларидан ўтиши лозим бўлган авиация мутахассислари кўрсатилади.

**5.1. ШҲЭМ ҚЎЛЛАНИЛГАН ҲОЛДА ТЕСТ СИНОВЛАРИДАН ЎТКАЗИШ.**

Малака ошириш курсларидан ўтиши лозим бўлган авиация мутахассислари кўрсатилади.

**5.2. ЧЕКЛОВЛАР.**

Малака ошириш курслари, тест синовларидан ўтказиш ва бошқалар бўйича чекловлар кўрсатилади.

## 6. ТРЕНАЖЁРДА ТАЙЁРГАРЛИК.

Учувчилар экипажи аъзолари ва СКТ турлари, муҳандис-техник ходимлар ва СКТ турлари кўрсатилади.

## 6.1. ЧЕКЛОВЛАР.

Тренажёрда тайёрланиш бўйича чекловлар кўрсатилади.

## 7. ХК ДАН ФОЙДАЛАНИШГА РУХСАТ ЭТИШ.

Сертификатланган ўқув юрти \_\_\_\_\_ га (шартнома, ижара асосида) ўқув-машқ парвозларини бажариш учун қуйидаги ХКлардан фойдаланишга рухсат этилади:

## 8. ФАОЛИЯТНИНГ БОШҚА ТУРЛАРИ

«Дававианазорат»

инспекцияси бошлиғи \_\_\_\_\_

(имзо )

\_\_\_\_\_ (Ф.И.О.)

М.Ў.

Илгари берилган махсус қоидалар ҳақиқий эмас деб ҳисоблансин.

Махсус қоидалар сертификатнинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади.

+

-

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Адлия вазирлиги маълум қилади:**  
**вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг**  
**умумий мажбурий тусдаги норматив-ҳуқуқий**  
**ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида**  
**2008 йил 13 декабрдан 19 декабргача бўлган маълумот**

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. «Ижтимоий таъминот идоралари томонидан юридик шахслар ҳамда алоҳида фуқароларга нисбатан қайта талаб қилиш (регресс) талабномалари асосида иш олиб бориш тартиби ҳақидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2008 йил 25 ноябрдаги 73-сонли буйруғи.*

*2008 йил 13 декабрда 330-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 23 декабрдан кучга киради).*

2. «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ходимлари асосий лавозимларининг малака тавсифлари бўйича йўриқнома иловасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг 2008 йил 5 ноябрдаги 62, 46 Қ/Қ, 01-383 Қ/Қ-сонли қарори.*

*2008 йил 13 декабрда 1845-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 23 декабрдан кучга киради).*

3. «2009 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакллари тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2008 йил 10 ноябрдаги 4-сонли қарори.*

*2008 йил 13 декабрда 1880-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 23 декабрдан кучга киради).*

4. «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясининг авиакорхоналаридаги ўқув юртларини сертификатлаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлигининг 2008 йил 10 ноябрдаги 228-сонли буйруғи.*

*2008 йил 13 декабрда 1881-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 23 декабрдан кучга киради).*

**II. Давлат реестридан чиқарилди:**

1. «2008 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакллари тасдиқлаш тўғрисида»ги қарор, 1-сонли ўзгартириш ва қўшимчалар. *Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1748, 2007 йил 15 декабрь), (рўйхат рақами 1748-1, 2008 йил 16 август).*

*Адлия вазирининг 2008 йил 13 декабрдаги 246-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.*

2. Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясининг ўқув юрт (марказ)ларини сертификатлаш тартиби бўйича қоидалар. *Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғи томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 778, 1999 йил 22 июль).*

*Адлия вазирининг 2008 йил 13 декабрдаги 247-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.*

**Мазкур ҳужжатлар амалдаги қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

+

-

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ  
МАЪЛУМОТЛАРИ  
МИЛЛИЙ БАЗАСИ



## ҲУҚУҚИЙ АХБОРОТ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МАРКАЗИ

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасининг ахборот излаш тизими (ҚХММБ LexUz) аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини кўтариш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан юридик ва жисмоний шахсларнинг кенг фойдаланиш имкониятини таъминлаш, жамиятни ҳуқуқий ахборотлаштириш тизимини такомиллаштириш мақсадида яратилган.

**LexUZ фойдаланувчиларга ҚХММБда Интернет орқали фойдаланиш имкониятини таъминлайди ва бунда:**

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таркибий қисмлари ва реквизитлари, шунингдек, юридик таҳлил карточкаларидаги маълумотлари асосида, яъни:

— Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тармоқлари умумҳуқуқий классификатори бўйича;

— қонунчиликнинг мавзули маълумотномаси бўйича;

— тушунча ва терминлар маълумотномаси бўйича;

— алфавит-предметли кўрсаткич бўйича кўпмезонли, кенгқамровли қидириш имконини беради.

излаш натижалари жадвал қаторлари кўринишида акс эттирилади ва улар билан ишлашнинг қуйидаги имкониятлари мавжуд:

— танланган ҳужжатларнинг реквизитлари бўйича саралаш;

— танланган ҳужжатларнинг реквизитлари бўйича гурuhlаш;

— ҳужжатлар билан ишлаш учун натижавий жадвалда уларни танлаш;

— излаш натижасида танланган ҳужжатларга оид барча маълумотларни олиш;

— ҳужжатларга киритилган қўшимча ва ўзгартиришларнинг хронологик тарихини кўриш;

— ҳужжат матнини алоҳида ойнада очиш;

— ҳужжат матнининг фойдаланувчи танлаган санадаги ҳолатини кўрсатиш;

— «Ҳаволалар харитаси» — танланган ҳужжатга нисбатан корреспондент /

респондент ҳужжатлар рўйхати;

— ҳужжат таркибида расмий матн қаторида норасмий ахборотларни (тушунтириш ва изоҳлар каби) акс эттириш;

— ҳужжат таркибида матн, жадвал, расмлар ва графикларни акс эттириш;

фойдаланувчи ишлаган ҳужжатлар тарихини автоматик тарзда тизимда сақлаб қолиш ва бунда:

— танланган ҳужжатлар рўйхатини сақлаб қолиш;

— излаш шартларини сақлаб қолиш;

— фойдаланувчи ишлаган ҳужжатлар тарихини тизимда сақлаш;

фойдаланувчи маълумотларини ва интерфейсини ўзбек ва рус тилларида олиб бориш; базага киритилган ҳужжатлар ҳақида электрон почта орқали хабар йўллаш.

**WWW.LEX.UZ**

сайтига марҳамат қилинг